SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 15-MART ■ SHANBA ■ 32 (27.052) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

● МАҲСУЛОТ: ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

«Бировнинг қўлига қараб ўтирма,

ЎЗИНГ ИШЛА, ЎЗИНГ ИЗЛАН, ЎЗИНГ ТОП, ЎЗИНГ ЯРАТ... КОСАНГ ОҚАРАДИ»

— Бугунги кунда, — дейди Тошкентдаги «Фотон» очиқ акциядорлик жамияти директори ўринбосари Хусниддин Тожиев, — ҳукуматимиз ўзимизда тайёрланиши мумкин ва зарур бўлган товарларни ўз мамлакатимизда ишлаб чиқаришга катта аҳамият бераётган экан, бу — жуда улуғ иш. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида қилган маърузасида бизнинг корхонамиз фаолиятини ҳам ана шундай яхши режали ишлар сирасига қўшиб айтиб ўтганларида шундай қувондикки, бу қувонч туйғусини ҳис этишнинг ўзи ҳам — айтиш мумкин, ватанпарварликнинг бир ифодаси...

— Корхонамизда, — дея сўзга қўшилди рангли телевизорлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Тўра Насимов, — мустақилликнинг илк йиллариданоқ телевизор ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, дастлаб унинг «Нодира», «Sony» каби турларини ўзлаштирдик. Сўнгра «FT» («Фотон — Тошкент») русумли рангли телевизор ишлаб чиқаришга ўтдик. 2002 йилда цехимизда 1500 дона шундай телевизорлар тайёрланди. Бунинг 300 донасини йилнинг биргина сўнги ойи — декабрда тайёрлашга муваффақ бўлдик. Экрани 54 сантиметр, нархи чет элникидан арзон — 250 минг сўм атрофидаги бундай телевизорларимиз харидорлари эндиликда ҳар қачонгидан кўп. Кунига 50 та, бир ойда 1000 тагача шундай сифатли, рақобатбардош ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. 2003 йилнинг биринчи чораги режасини ҳам Наврўз байрами кунлари тўла адо этамиз.

*Қисқасини айтсам, **«Ўзимизда — Ўзбекистонда тайёрланган маҳсулот хорижда ишлаб чиқарилган ҳар қандай турдош маҳсулотдан кам бўлмаслиги керак!»** деган шиор остида ишлаяпмиз...*

Гапнинг рости, суҳбатдошларим сўзлари қалбимга чўғ ташлади, илҳом берди. Негаки, Ватан, ватанпарварлик туйғуларини ҳар гал турли хил мавзуларга боғлаб ёзишга одатланганмизу, завод-фабрикалар дастгоҳларидан чиқаётган кундалик истеъмол молларига нисбатан бу сўзларни жуда кам ишлатарканмиз.

Истиқлол йиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча буюк ишлар халқимиз тараққиётини олға силжитган отабоболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давоми, албатта. Чунки, мамлакат истиқболини унинг бағрида яшаётган ҳар бир инсон ўз меҳнати, ўз ақл-идроки билан яратади. Тасаввур қилинг, далалар, боғроғлар суғорилмаса, токзорлар хомток қилинмаса, ариқ-зовурлар тозаланмаса, шўр ерлар ювилмаса, тўғонлар, кўприклар таъмирлаб турилмаса, сел йўллари тўсилмаса, ниҳоллар ўтказилмаса, экин-тикин қилинмаса — ўлка аҳволи не кечади?

Шу маънода, «олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, маҳаллий хомашёлардан фойдаланмасак, оқил ва тадбиркор юртдошларимиз малакасини ишга солмасак, завод ва фабрикалар қувватини оширмасак ва уларда ўз маҳсулотимизни ўзимиз ишлаб чиқармасак, пировардида, ўз бозоримизни ўзимиз тўлдирмасак... қани бизда Ватан туйғуси?! Ёхуд эҳтиёжимиз учун ҳамма нарсани четдан ташиб келтиришга ўргансагу, яна уни ўз шахсий манфаати йўлида харидорларга 10-15 баравар қимматига пуллаётган олиб-сотарларга йўл очиб берсак... қани бизда ватанпарварлик, орномус?!

*Халқимизда «қўлдан берганга қуш тўймас» ёки «биров берса фақат кўрасан, ўз меҳнатинг билан тўясан» деган доно нақллар бор. **«Бировнинг қўлига қараб турма, ўзинг ишла, ўзинг излан, ўзинг топ, ўзинг ярат... косанг оқаради»** — деган ҳикматни ушбу корхона фаолияти мисолида яққол англаш мумкин. Шундай экан, ички бозоримизни ўз имконимиз ва ўз меҳнатимиз билан бунёд топган маҳсулотларга тўлдириш учун бошланган бугунги саъй-ҳаракатларимиз замирида ҳам аслида шу гап, шу мантиқ мужассам.*

*Бундоқ ўйлаб қаранг, **биз кимдан каммиз?!** Нега бошқалар қилган ишни биз қилолмас эканмиз? Қила оламиз! Демак, маъно-мазмуни серқирра — **«Ўзимизники, Ўзбекистонники!»** деган фахр туйғусини ҳис эта олиш ва бор куч-ғайратимизни ижодий меҳнат фаолиятимизга йўналтира билиш ҳам — ватанпарварлик!*

Номоз САЪДУЛЛАЕВ



Суратларда: *корхонанинг рангли телевизорлар ишлаб чиқариш цехидан лавҳалар: цех механиги Рустам Атаматов иш устида; созловчилар — Борис Ланин билан Анатолий Чертков тасвирларни пульт ёрдамида бошқарув жараёнларини текширувдан ўтказмоқдалар; илғор ишчи Шавкат Газизов ва цех устаси Людмила Соловьёва тайёр маҳсулотларни жўнатиш олдидан.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

А. Ҳ. Комиловни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

А. Ҳ. Комиловни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи-сиёсий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи-сиёсий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

С. С. Сафоевни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Содиқ Солиҳович Сафоев Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 14 март

Маҳаллам менинг — оилам менинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан ташкил этилган «Маҳаллам менинг – оилам менинг» мавзуидаги семинарда маҳаллаларнинг бугунги кундаги фаолияти, «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси, маҳаллалар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур қўмита раиси Ў.Ҳошимов бошқарган анжуманда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарлари, телевидение ва радио, матбуот вакиллари мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Жойларда маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан кенг кўламда хайрли юмушлар амалга оширилаётгани таъкидлангани ҳолда, улар фаолиятида камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Газета ва журналларда, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида бу муаммоларни янада кенгроқ ва таҳлилий ёритиш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзА)

Кенгаш йиғилиши

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари, тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Мажлисда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2001-2002 йиллардаги фаолияти ҳақида кенгаш масъул котиби — «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ долзарб вазифалар муҳокама этилди. Бугунги мураккаб даврда ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш, юртимизда қарор топган тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, одамларда ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш, юксак дунёқарашни шакллантириш учун маънавият ва маърифат ташкилотлари фаол иш олиб бориши лозимлиги таъкидланди. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг талабга жавоб бермаслиги, билим савияси юқори, ҳаёт тажрибасига эга бўлган фаоллар ва зиёлилар бу ишга кенг жалб этилмаётгани танқид қилинди. Йиғилиш иштирокчилари маънавий-маърифий тарғибот ишларидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. Қуддус Аъзамов Республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби — «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари этиб сайланди.

Кенгаш йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

✧ ✧ ✧

Шу куни Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур жамғарманинг 2001-2002 йиллардаги иш якунлари кўриб чиқилди ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. Амирқул Каримов «Олтин мерос» жамғармаси бошқаруви раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

(ЎзА)

«Ғаллабанк»ка диплом

Республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»нинг Навоий вилояти минтақавий филиали жамоаси рейтинг асосидаги танловда ғолиб деб топилиб, биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Бундай муваффақиятга навоийликлар 2002 йилда банк айланма маблағини кўпайтириш, мижозларга, жумладан, деҳқон-фермерларга намунали банк хизмати кўрсатиш ҳамда имтиёзли кредитлар беришни замон талаби даражасида ташкил этганликлари туфайли эришдилар.

— Банкимизнинг республика «Ғаллабанк» тасарруфидаги вилоятлараро минтақавий филиал банклари орасида энг илғор жамоа, деб топилиши ҳамда биринчи даражали диплом билан тақдирланиши зиммамизга янги-янги масъулиятлар юклайди, — дейди Навоий «Ғаллабанк» бошқарувчиси Нодиржон Каримов.

Ўз мухбиримиз



ШУКР

Жаннат сени илҳақ кутиб турганмас,
Дўзах ҳам сен билан, албатта, тўлмас.
Битта сени ютиб ер ҳам тўймагай,
Энди шукр қилу яшайвергин, бас.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил, 11 март

Фермерлар ҚУРУЛТОЙИ

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, компания, уюшма, суд, банк, молия, солиқ муассасалари, илғор деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Қурултойда Президентимизнинг соҳа ходимлари олдига қўйган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми анча кўпайди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фойдаланаётган умумий ер майдони 1 миллион 600 минг гектардан ортди. Ҳозир ҳар бир фермер хўжалигининг ер майдони ўртача 22 гектарни ташкил этмоқда.

Биргина 2002 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг 30 фоизи, ғалланинг 41 фоизи, картошканинг 92 фоизи, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 83 фоизи, гўшт ва сутнинг 97 фоизи, тухумнинг 64 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурултойда эришилган ютуқлар эътироф этилиши билан бирга, соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар, муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Маҳаллий ҳокимият ва назорат идоралари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилаётган шартномаларнинг барчаси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишда, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси янада фаолроқ иш олиб бормоғи лозим.

Қурултойда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди.

Қурултойда уюшманинг Фарғона вилоят вакиллиги раҳбари бўлиб ишлаб келаётган Соҳибжон Қобулов Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси этиб сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов сўзга чиқди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК

Энг яхши анъаналарда

Биргаликда гиёҳвандликка қарши

Бугунги кунда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, уларни тарқатиш ва истеъмол қилишга қарши кураш инсоният олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Ўзбекистонда бу масалага жиддий эътибор қаратиш билан бир қаторда минтақавий ва халқаро миқёсда катта ишлар олиб борилмоқда.

Тошкентда ўтказиладиган «Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишининг миллий ва халқаро иқтисодий таъсири» мавзуидаги халқаро конференция арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гиёҳванд моддалар назорати миллий маркази директори Камол ДЎСМЕТОВ билан учрашиб, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, гиёҳвандлик ва унинг олдини олиш масалалари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Халқаро ташкилотлар, қўшни республикалардан келаётган ва бизда мавжуд маълумотларга назар ташласак, бу йил ушлаб қолинган гиёҳванд моддаларнинг ҳажми маълум қадар қисқарган. Лекин, шунга қарамай вазият жиддийлигини қайд қилиш даркор.

Таъкидлаш жоизки, гиёҳванд моддалар республикамизга қўшни давлатлар орқали олиб кирилади. Оғуфурушлар гиёҳванд моддаларни Россия ва Европа мамлакатларига олиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланиш истагида бўладилар. Бу моддаларнинг асосий қисми Тожикистон, қисман Туркманистон ва Қирғизистондан келади. Ўзбекистоннинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларида қўлга олинган моддаларнинг текшируви уларнинг Афғонистонда ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Албатта, халқаро аксилтеррор коалицияси томонидан Афғонистонда амалга оширилаётган ҳаракатлар халқаро наркобизнес тармоғига қаттиқ зарба берди. Бироқ, бу мамлакатда ишлаб чиқарилган оғунинг Ўзбекистон ва қўшни республикалар ҳудудлари орқали олиб ўтилиши масаласи узил-кесил ҳал этилди дейиш қийин. Бунинг устига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси маълумотларига кўра, 2002 йилда Афғонистон ҳудудида 450-500 килограмм героин ишлаб чиқаришга етарли кўкнори етиштирилган. Бу модданинг асосий қисми Марказий Осиё давлатлари орқали олиб ўтилиши кўзда тутилган.

— Камол Жамолович, маълумки Ўзбекистонда минтақамизда биринчилар қаторида гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, уларни истеъмол қилишга қарши кураш олиб боришга қаратилган Миллий дастур қабул қилинган. Унинг моҳияти нималардан иборат?

— Бу дастур, авваламбор шу соҳага тегишли қонунчиликни такомиллаштириш, гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашни жадаллаштириш, ҳуқуқ-тартибот органлари махсус бўлинмалари имкониятларини янада кенгайтириш, давлат чегараларини мустаҳкамлаш, гиёҳвандликка ружу қўйганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа кўп масалаларни ҳал этишга қаратилган. Бу борада марказимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа вазирлик ва идоралар, шунингдек турли ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

— Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Марказимиз гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва шу билан боғлиқ бўлган қатор соҳаларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти(ЕХҲТ), Европа Иттифоқи ва бошқалар билан ҳамкорликда салмоқли ишларни амалга оширди. Жумладан, минтақавий ва халқаро миқёсда бир нечта анжуманлар ўтказилди. 17 март куни ўз ишини бошлайдиган «Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишининг миллий ва халқаро иқтисодий таъсири» мавзуига бағишланган халқаро семинар бу иллатга қарши курашни ташкил этиш ва олиб боришда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни борлигидан далолатдир.

Ушбу анжуман халқаро ҳамжамият эътиборини Марказий Осиё минтақасига, хусусан гиёҳвандлик масаласига яна бир бор қаратиш имконини беради. Конференцияда тиббиёт соҳаси мутахассислари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, сиёсатчи ва иқтисодчилар иштирок этади.

Таъкидлаш жоизки, бу анжуман шу йилнинг май ойида Прага шаҳрида бўлиб ўтадиган ЕХҲТнинг гиёҳвандлик моддалари ва қурол контрабандаси масалаларига бағишланган Иқтисодий анжумани олдидан ўтказилаётган учта конференциянинг сўнггиси ҳисобланади.

«Жаҳон» АА мухбири
Баҳром ШАРИПОВ
суҳбатлашди

Андиша

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Албатта, вақт ўтиши, замонлар ўзгариши билан тушунчалар ҳам, қадриятлар ҳам муайян ўзгаришларга учраши мумкин. Бироқ инсон боласининг кимлиги, қандайлигини аниқлайдиган шунақа туйғулар борки, улар ўзгаришсиз қолаверади. Менимча, андиша ҳам шундай тамойилга киради.

Кулиб турган одамнинг олдида йиғлама. Йиғлаб турган одамнинг олдида кулма.

Отамнинг ўгитларидан.

Кодирий домланинг «Ўтган кунлар» романини ҳар гал мутолаа қилганда буюк адибнинг ўзбек халқининг ўзига хос хислатларини, замонавий тилда айтадиган бўлсак, менталитетини нақадар теран билиши ва нозик тасвирлашига қойил қоламан.

Роман бошида шундай манзара бор. Отабек қўнган карвонсаройга Зиё шоҳичининг ўғли Раҳмат билан Ҳомид кириб келишади. Отабек уларни мамнуният билан қарши олади ва Ҳасаналига «баъзи юмушлар буюрсам, кўнглингизга олмайсизми?» деб мурожаат қилади. (Ҳасанали ис тегиб қолиб, бир қадар тоби қочган). Ҳасанали «буюринг, бегим» дегач, Отабек ундан чой қайнатиб беришни илтимос қилади. Ҳасанали чиқиб кетгач, Раҳмат Отабекдан бу чол кимлигини сўрайди. Отабек унинг саволига жавоб қилишга шошилмайди. Бир муддат эшикка қараб туради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб, жавоб беради.

«Қулимиз»...

Қизиқ, у нима учун Ҳасаналини «узоқлатиб», шундан кейингина бу одам ўзининг қули эканини айтади? Дейлик, бошқа миллий адабиётда (хусусан, ғарб адабиётида) шундай манзара тасвирланса, асар қаҳрамони бор овозда, ҳатто бир қадар ғурур билан «буми, бу менинг қулим!» деб баралла айтган бўлур эди ва бу ҳаёт ҳақиқатини тасдиқларди. Отабек нега ундай қилмайди? Нима, Ҳасаналидан қўрқадиган жойи борми? Ахир бир вақтлар унинг бобоси бу қулни ўн беш тиллага сотиб олган-ку! Ё Ҳасанали кўп йиллар давомида Юсуфбек ҳожилар оиласининг аъзосидек бўлиб қолгани, Отабек учун қадрдон шахсга айлангани, ёшининг улуғлиги учунми?

Униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин. Бироқ энг муҳими бу эмас. Муҳими шундаки, Отабек – ўзбек! Унда ўзбекка хос фазилат – андиша бор!

Романни ўқишда давом этамиз. Отабек билан Кумуш сурурдан энтикиб яшаётганда кутилмаган ғалва чиқади. Отабек хотини билан ё Тошкентга келиши керак ёки Тошкентда бошқа қизга уйланиши лозим. Тошкентдаги ота-она орзусини тушунса бўлади. Улар ёлғиз ўғлининг Марғилонда «ичкуёв» мансабида қолишини хоҳламайди. Кумушни олиб келса, бош устига! Лекин Кумуш ҳам ёлғиз фарзанд. Унинг ота-онаси ҳам қизини бағридан чиқаришни истамайди. Марғилонлик қудалар охир-оқибат Отабекнинг иккинчи хотин олишига розилик беради. Шунақа-ку, бундай фожиага Кумуш қандай қарайди?

Унинг кўзида ёш кўрган Отабек оғир руҳий азобга тушади.

«– Ота-она розилигини бир томчи ёшингизга арзитдимми?» – дейди изтироб билан.

Кумуш нима дейди?

«– Мен рози, мен кўндим, – деди дафъатан Кумуш. Бу «сўзни нимадандир қўрққандек, шошиб айтди».

Бу гапни айтиш Кумушга осон бўлдимикан? У исён кўтариши, «сен – бевафо, сен – алдоқчи устимга нега хотин оласан?» деб жанжал қилиши мумкинмиди? Албатта! Ёки «сен менинг қадримни билмасанг, эркак зоти қуриб кетган эмас» деб, эри ойлаб йўқ бўлиб кетганида «жазман» орттириши (француз адабиёти модели), ёки эриними, кундошиними ўлдиртириб юбориши (инглиз адабиёти модели) мумкинмиди? Кумуш нега шундай қилмайди? Нима бу? Феодализм иллатими? Хотинқизларни одам санамасликка кўр-кўрона бўйсуниш – забунликми? Ўзбек ҳаётини билмаганлар энг асосий сабаб шу, деб кўрсатиши аниқ. Лекин бу ўринда бошқа сабаблар ҳам бор. Кумуш Отабекни беқиёс севади, унинг садоқатига, башарти бошқага уйланишга мажбур бўлган такдирда ҳам барибир айнан ўзини севишига ишонади. Қолаверса, Отабекнинг ота-она раъйига қарашдан ўзга иложи йўқлигини тушунади. Эрининг камроқ изтироб чекишини хоҳлайди ва Отабекнинг қалбини жароҳатламаслик учун ўз юрагини абгор қилади! Бу – Кумушнинг ожизлиги эмас, мардлиги, нодонлиги эмас, донолиги! Ва яна бир гап: унда андиша бор. Ҳарчанд озор чекмасин, эрининг юзига тик қарамайди. Бетгачопарлик қилмайди!

Суюксиз хотинга уйланишга мажбур бўлган Отабек «чилласи» чиқар-чиқмас қанот боғлагудек бўлиб, Кумуш томон – Марғилонга учади. Хомид ёллаган қотил – Содиқнинг қўлида сўйилиб кетиш хавфидан тасодифан омон қолиб, қадрдон хонадони дарвозасига етиб келиши билан қайнотаси – Қутидор уни ҳайдаб солади. Кўришмак учун узатган қўли ҳавода муаллақ қолган Отабек ҳайратланиб сўрайди:

«– Бу қандай ҳаракат, ота?

Қутидор титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

– Уятсизга менинг уйимда ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ. Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз! – деди-да, ўзини ичкарига олди...»

Қайнотанинг аҳволини тушуниш мумкин. Ҳомид уюштирган фитна – Отабек номидан Кумушга «ёзилган» талоқ хати уни адои тамом қилган. Қизининг устига хотин олишга розилик берган, Кумушнинг бахтиқаро бўлишига ўзини ҳам сабабчи ҳисоблаган одам шундай аҳволга тушиши табиий эди... Шунақа-ку, алам ва изтиробдан титраб турган Қутидорнинг муомаласига тағин бир карра эътибор беринг. У Отабекни ҳақорат қилмайди, лаънатламайди, шовқин солмайди. Ҳатто шу ўринда ҳам «сиз»лаб гапиради. Отабек-чи? «Шошманг, ота, нима гап ўзи, аввал масалани ойдинлаштириб олайлик» демайди. Боши оққан томонга кетаверади. Нега шундай? Албатта, у иккинчи хотин олганини бу хонадондагилар кечиролмаяпти, деган хаёлга борган бўлиши керак. Ундай бўлса ўртага одам қўйиб, охиригача ҳақиқатнинг тагига етиши мумкинмиди? Албатта! Нега шунақа қилмади?

Унда андиша бор эди! Энди бу хонадонга қадам босиш у ёқда турсин, дардини бировга айтишга ҳам ор қилар эди.

Ниҳоят, асарнинг охирини ўқиймиз. Кумуш заҳарланган. Жон талашиб ётибди.

1

Отабек унинг ёнида ўтирибди. Бошқа халқ ҳаётини тасвирловчи асар бўлса, бу ҳолатда икки ошиқ-маъшуқ бир-бирининг пинжига кириб кетиши, бўса олиши, «мен сени севаман!» деб ҳайқириши мумкин эди. Отабек билан Кумушнинг ҳолати бутунлай бошқача. Келининг вақти-қазоси етганини билиб изтиробга тушган Юсуфбек ҳожи кириб келади ва Кумушнинг пешонасига кафтини босади. Ҳозир жони чиқиши муқаррар Кумуш эса уни таниб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлади. Азбаройи қайнотасининг ҳурмати учун. Унинг олдида чўзилиб ётгани, бошида рўмоли йўқлигидан андиша қилгани учун...

Фожианинг сўнгги жумласини адиб шундай тасвирлайди: «Кумуш уялгансимон кўзини юмди...»

«Андиша» деган сўз мулоҳазакорлик, фикрламоқ, оқибатини ўйламоқ каби маъноларни англатади.

Бу – кеча ёки бугун пайдо бўлган ибора эмас. Ҳазрат Навоий ҳам бу тушунчага кўп бор мурожаат қилганлар.

«Умр ўтмакни андеша қил,
Давронга йўқдир меҳр, бил.
Эй шоҳ, гадони кўзга ил –
Ким на гадо қолур, на шоҳ...»

Сўнгги юз йилларда андиша тушунчаси кўпроқ уят, ор, номус, одоб каби тушунчалар билан ёнма-ён турувчи муҳим ахлоқий қоидалардан бирига айланган.

Ғафур Ғуломнинг «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида бундан тўқсон-юз йил наридаги воқеа тасвирланади. Замона носозлиги, етим неваларининг қисматини ўйлаб уйқуси қочиб ўтирган кампир томда юрган ўғрини кўриб қолади. Ўғри ҳам азбаройи рўзғор тебратиш илинжида шу йўлга кирган. Хуллас, кампир айвонда, ўғри томда – ҳамсуҳбат бўлиб қоладилар. Кампирнинг ўғри олгудек ҳеч вақоси йўқ. Аммо ўғрининг ноумид кетишини ҳам хоҳламайди: уни бир пиёла чой ичиб кетишга таклиф қилади. Ўғрининг жавобини қаранг:

«– ...Чой ичолмайман. Чунки тонг ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Андишам бор. Уяламан...»

Қаранг, ўзбекнинг ўғрисида ҳам андиша бор! Ниҳоят, тағин бир мисол. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида Азизхон деган йигит бор. Ерга урса, осмонга сапчийдиган, қайсар бўз бола. Яхши кўрган қизи Лутфинисани тўй бўлиб турган жойидан опчиқиб кетади. Нима бўлганда ҳам унинг бу қилиғини оқлаш қийин. Бир томондан ўзининг, иккинчи томондан қизнинг ота-онасини, учинчидан Лутфинисага уйланаётган куёвни шарманда қилди. Бироқ у севган қизини олиб қочгач, қанчадан-қанча овлоқ жойларда юради, бировларнинг уйида яшайди, каналда ишлайди, орадан шунча вақт ўтса ҳам Лутфинисанинг билагидан ушламайди. Никоҳсиз бировнинг қизига яқин келиш мумкинмас, деб ҳисоблайди. Нима бу? Диний фанатизмми? Ундай десак, воқеа қадим замонда эмас, никоҳ деган «эскилик сарқити»га қарши кураш авжига чиққан Шўро замонида бўляпти-ку! Гап айланиб, яна ўша тушунчага тақалаяпти: андиша деган тушунчага...

Исириқ олиш учун бозорга боргандим. Дарвозадан кираверишда бир аёл сомса сотаётган экан. Уни кўриб, беихтиёр бир лаҳза тўхтаб қолдим. Ростини айтсам, бунақанги ҳилқатни яқин орада кўрган эмасдим. Тиниқ чеҳраси, қоп-қора қайрилма қошлари, ним табассумга мойил лаблари, бироз хумор, чақнаб турган кўзлари шу қадар мукаммал эдики, хаёлимдан «раҳматли Чингиз Аҳмаров тирик бўлса, ўзбек мадоннасининг тасвирини шу аёлга қараб чизарди», деган фикр ўтди. Кейин (бунисини ҳам тан олишим керак) беғараз маънода унинг эрига ҳавасим келди. «Қайси бахти чопган одам шундай пари билан яшаркан» деган хаёлга бордим. Харид қилиб чиққунча орадан кўп ҳам вақт ўтгани йўқ. Бояги жойга яқинлашганда шовқин-сурон эшитилди. Яқинроқ келиб, тағин тўхтаб қолдим. Шляпа кийган, бўйинбоғ таққан зиёлинамо бир киши қоғозга ўроғлик иккита сомсани чангаллаган кўйи қизариб-бўзариб турар, чамаси қаёққа қочишни билмасди. Ҳалиги «ҳилқат» эса овозини баралла қўйиб, шу қадар ифлос сўзлар билан сўкинардики, қирқ йил кўмир ташиган аравакаш бунақа ҳақоратларни эшитса, ўзи ҳам, араваси ҳам бир чеккага чиқиб, таъзим қилиб туриши аниқ эди. Харидор шўрлик сомса масаласида эътироз билдирганми, бошқами, унисини билмадим-ку, аммо аёл кишининг оғзидан бунақа сўзлар чиқишини биринчи кўришим эди! Қаторлаштириб ташлаётган ҳақоратлари унинг башарасини хунуклаштириб юборган, қўйиб берса, ҳозир этагини бошига илишга тайёрлиги кўриниб турарди. Беихтиёр хаёлимдан «яхшиям раҳматли Чингиз Аҳмаров бу хотинни кўрмагани, палакат босиб, расмини чизса борми, уялганидан мўйқаламини синдириб ташлаган бўларди», деган ўй ўтди. Кейин «қайси бахтиқаро эркак шу билан яшаркин» деган хаёлга бордим...

Ҳар бир халқнинг қадриятлар масаласида асрлар давомида шаклланган ўз қарашлари бўлади. Улуғ аллома Абу Райҳон Беруний бундан минг йил аввал «бирон халқ удумига буниси менга ёқади, униси эса ёқмайди, деб баҳо бермаслик керак, улар халқнинг ўз дунёқараши, ўз ҳаёт тарзидан келиб чиқади», деб ёзгани бежиз эмас.

Масалан, ғарбда бирон эстрада хонандасининг уч нафар жазмани бор, саҳна юлдузи уларни вақти-вақти билан алмаштириб туради, деган хабар оммавий ахборот воситаларида тарқатилса, бу яхшигина реклама ҳисобланади. Худо кўрсатмасин, бизда шундай хабар пайдо бўлса, ўзини ҳурмат қилган томошабин ўша хонданинг ўзидан ҳам, томошасидан ҳам бир чақирим наридан ўтадиган бўлиб қолади.

Бундан бир неча йил аввал америкалик бир хонимнинг ишқий саргузаштларини ёзмаган газета, кўрсатмаган телеканал қолмади ҳисоб. Хуллас, у бўлди, бу бўлди, тўшагини байроқ қилиб кўтарган ўша хоним салкам «қаҳрамон»га айланди ва... шу баҳонада мўмайгина пул ишлаб олди! Ўзимизнинг ахлоқ, одоб деган тушунчалар учун ёт бўлган бундай воқеани биз ҳам андишасизлик, юзсизлик деб атаймиз. «У ёқда» эса талқин бошқача. Албатта, бу билан одоб қоидалари «у ёқда» ёмон, «бизда» зўр, демоқчи эмасман. Беруний ҳазратларининг гапи-гап! Демоқчиманки, биз бошқалар ақидасини камситмаган ҳолда ўзимизнинг қарашларимизни ҳимоя қилишга ҳақлимиз ва шундай қилишга бурчлимиз!

Четдан кириб келадиган ёт таъсирларга дарвозани очиб қўйиш одамларни, айниқса, «янгиликка ўч» ёшларни чалғитиши, халқнинг энг азиз фазилатларини йўққа чиқариши ва бора-бора уни ўзлигини унутишига олиб келиши мумкин.

Афсуски, кейинги пайтларда юртимизнинг миллий истиқлол ғояларига бегона тушунчаларни ташувчи нарсалар кириб келаётгани, бу ҳам етмагандек, ўзимиздаги айрим оммавий ахборот воситалари томонидан азбаройи «одамларни қизиқтириш учун», «ғаройиб» янгиликларни кўз-кўз қилиш учун (кўрмаганнинг кўргани қурсин!) ва охир-оқибат, кўпроқ пул ишлаб олиш учун андишасизликни оммалаштириш ҳоллари рўй бера бошлади.

Ўтган йили ўзбек тилида чиқадиган газеталардан бирида эркак билан аёлнинг интим муносабатларини бутун тафсилотлари билан тасвирловчи, «ишқий ўйинлар» масаласида маслаҳатлар берувчи шу қадар андишасиз мақолалар босилдики, ўқиган одамнинг зардаси қайнайди! Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай она бўй етган қизининг қўлида шу газетани кўриб қолса, қизнинг таъзирини бериб қўйиб, газетани ёндириб ташлаши аниқ. Баджаҳлроқ эр эса хотини билан «қўйди-чиқди»гача бориши мумкин. Бундай «маслаҳатлар» айниқса ёшларга қаттиқ таъсир қилиши, йигит-қизларнинг «юзини очиб», ҳаё пардасининг кўтарилишига сабаб бўлиши тайин. Бундай чиқишлар ҳақли равишда кўплаб ўқувчиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Оддий талаба бошқа газетада «бу қандай андишасизлик?» деган маънода мақола билан чиққанида эса «интим»ни достон қилган нариги нашр «нега сўз эркинлигини бўғасиз?» деб шовқин солди. («Шармандага шаҳар кенг», дегани шу бўлса керак).

Майли, мен икки газетанинг баҳсига ҳакамлик қилмоқчи эмасман. Фақат «сўз эркинлигини бўғиш» дегани бу ўринда асоссиз эканини айтишим керак. Ҳар ким ўз фикрини эркин баён қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу – хоҳлаган одам хоҳлаган жойида хоҳлаган гапини айтиши мумкин, деган маънони англатмайди. Газета – ишратхона ёки тўрт нафар чапани улфатнинг гап-гаштаги эмас. Уни минглаб одамлар ўқийди. Навоий ҳазратлари ёзганидек, «Ҳирадманд чиндан ўзгани демас, вале ҳама чин ҳам дегулик эмас». Ўша газета таҳририятидагиларга «бундай андишасизликни достон қилиш шартмиди?» десангиз, «бу – бизнинг гапимиз эмас, муаллифнинг ўзи жавоб берсин», дейишлари мумкин. Муаллифни топишнинг эса иложи йўқ. Чунки у киши – чет эллик олим – профессор жаноб Грейя экан. Буёғи қандоқ бўлди? Жаноб Грейя менинг мақоламни фалон газета ўзбек тилида чоп этсин, демагандир. Бошқаларни қўя турайлик, айнан шу нашрда ишлайдиганларнинг ўзи ҳам газетанинг ўша сонини қизи ёки келини ўқиётганини кўрса, хижолат бўлмасмикин? Мақолани ота-онаси, қудасига ўқиб беришга юзи чидармикин? Ўзига раво кўрмаган нарсани минглаб ўқувчига раво кўришдан мурод нима?

Албатта, бу билан бирон нашр устидан «цензура» ўрнатиш, уни чеклашни назарда тутмаслик керак. Бироқ ҳар бир халқ ўзининг миллий қадриятларини сақлаш ҳуқуқига эга. Бунинг чуқур сабаблари бор.

Миллатни – миллат, халқни – халқ сифатида маҳв этиш учун бошига бомба ёғдириш шарт эмас. Уни ўз қадриятларидан узиб ташлаш кифоя. Йигирма биринчи аср – информатика асрида оммавий ахборот воситалари қудратли қуролга айланди. Ундан яхши ниятда фойдаланилса, яратувчиликка, ёмон ниятда ишлатилса, қўпорувчиликка хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда «чеклаш» тўғри ва адолатли бўлади.

Қонун ҳужжатлари халқаро андозаларга мос бўлиши керак. Шу билан бирга қонун ҳар бир халқнинг ўзига хос жиҳатларига ҳам зид келмаслиги лозим. Шўро замонидаги айрим қонун ва қарорлар бизнинг дунёқарашимизга доим ҳам тўғри келавермас эди. Эсимда, етмишинчи йилларда «Тошкент оқшоми» газетасида ишлардим. Атлас кўйлаги, тилла тақинчоқлари ўзига ярашган кўҳлик аёл шикоят қилиб келди. «Райисполкомдаги бюрократларни боплаб фельетон қилишимни» сўради. Мен фельетон ёзмаслигимни айтганимда «муштипар бир аёл» ҳуқуқини ҳимоя қилиш ёзувчилик бурчим эканини эслатди.

Воқеа бундай бўлган. У «сўққабош аёл» сифатида тўрт хонали уй олишга ҳақли. Икки ўғил, бир қизи билан икки хонали каталакда сиқилиб қолган. Ижрокомдагилар анчадан бери ишни пайсалга солиб келаётган экан. Бу эса қонунга хилоф экан. Аёл гапининг тасдиғи сифатида ҳукумат қарорини ҳам кўрсатди. Унга биноан аёлга янги уй беришлари зарур экан.

– Нима, эрингиз вафот этганмилар? – дедим ачиниб.

– Мен бева эмасман, «мать – одиночкаман!» – деди аёл энсаси қотиброқ. – Загсимиз йўқ.

– Нима, ажрашиб кетганмисизлар?

– Бунинг нима аҳамияти бор? – деди у қошини чимириб. – Загсимиз бўлди нимаю, бўлмади нима?!

Ўшандаям ҳеч балони англамадим.

– Учта болангиз бўлса-ю, на загс, на никоҳ...

– Учта боламнинг отаси учта, тушунарлими? – деди у зарда билан. – Мен сизга загс, никоҳ деганини тушунтириб беринг, деётганим йўқ. «Мать – одиночка» сифатида ҳуқуқимни тиклашга ёрдам беринг деяпман!

Шундагина гап нимадалигини тушундим. Демак, бу хотин уч болани учта эркакдан орттирган. (Иложи борича бадавлатроқ ва гўлроқ эрлардан) Худо билсин, болалар шўрлик отасини (оталарини) танимаса ҳам керак. Баайни инкубатордан чиққан жўжадек.

Ҳарчанд тилимни тийишга уринмай, айтмаслигим керак бўлган гапни айтдим:

– Тўртинчи эрдан никоҳсиз тўртинчи бола туғсангиз, беш хонали уй талаб қиласизми?

Бўлди жанжал! Бўлди тўполон! «Совет хотин-қизини», устига устак муштипар «мать – одиночкани» ҳақорат қилган мендек «феодал» бир амаллаб қутулиб қолдим.

Эҳтимол, бундай қонун-қоидалар ўша пайтда эркаклар кам бўлган узоқ шимолдаги аёллар манфаатини ҳимоя қилгандир. Лекин қанақасига айлантирганда ҳам у ўзбек халқи руҳига мос келмас, чунки амалда орсизлик, андишасизлик учун йўл очувчи ҳужжат эди. Туппа-тузук аёл ўша ҳуқуқдан «унумли» фойдалангани масаласига келсак, начора, эл-юртчилик: ҳар хил одам бўлиши мумкин.

Қайси куни маҳалладаги йиғинда отахонлар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Ғалати гапларни айтиб беришди. Уруш йиллари очарчиликдан силласи қуриган одамлар ярим кечаси нон дўконига «заборний карточкаси»ни кўтариб чиқиб «очерид» турган. Бировни навбатдан чиқариб юбориш, ёш болаларни ҳайдаб, ўрнига ўзи кириб олиш деган гаплар бўлмаган. Аммо «заборнийси»га нон ололмай қолиш ҳоллари (нон етмаган ҳолатлар) бўлиб турган. Шунда нон олишга улгурган қўшни ўзи-ю, болалари чалақурсоқ қолса ҳам қўлидаги нонни қўшниси билан баҳам кўрган. Қадимдан қолган тағин бир одат бор экан. (Биринчи эшитишим). Ўчоқбошини ҳеч қачон қўшнининг деворига ёпиштириб қуриш мумкин эмас экан. Таом пишираётганингда чиққан тутун қўшнининг кўзини ачитса еган овқатинг ҳаром бўлади, дейишаркан... Андиша дегани бўлса, шунчалик бўлади!

Бўй етган қизнинг она олдида (отани қўяверинг), мўйлови чиққан йигитнинг ота олдида (онани қўяверинг) ич кийимда юриши, келиннинг қайнота-қайнона ҳузурида овозини баландлатиб гапириши, куёвнинг қайнота олдида ичиш-чекиши беандишалик саналган. Овқатланишдан тортиб, меҳмон кутишгача, кўчада юришдан тортиб, даврада ўзини тутишгача ҳаммаси андиша деган тушунчага асосланган. Нима бу, мутеликми? «Инсон ҳуқуқини камситишми?» Йўқ, буларнинг ҳаммаси донишманд халқнинг минг йиллар давомида тўплаган хазинасидир! Шунинг учун хазинаки, у асрлар оша инсон зотини бир-бирини қадрлашга даъват этиб келди. Одамни одам бўлиб яшашга ўргатди. Шунинг учун хазинаки, Тангрининг суюкли мавжудоти – Инсоният билан ўз нафсини қондириш йўлида бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр ҳайвонот ўртасида чегара борлигини муттасил эслатиб турди. Шу маънода айтиш мумкинки, андиша – инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган сарҳаддир! Яратганга шукроналар бўлсинки, ҳозир бу хазинани совуриб юборганимизча йўқ.

Шунақа дейман-ку, кўча-кўйда, бозор-ўчарда юрганда, давраларга борганда, хизмат юзасидан турли одамларга рўпара келганда гоҳо ўйланиб қоламан.

Беномусликни ҳунар қилиб олган аёллар қаёқдан пайдо бўляпти? Азбаройи фойда кўриш учун «тезак»нинг устига ялтироқ бирка ёпиштириб, «ҳолва» деб пуллаётганлар-чи? Юз доллар учун бегона у ёқда турсин, бир қориндан талашиб тушган акасидан тониб кетадиганлар йўқми? Ўзгалар ҳақини еб семиргани етмагандек, бирни ўнга «қойил қилиб» пуллагани учун ўзини «доно», бирни ўнга олишга мажбур бўлгани учун қўшнисини «нодон» санайдиганларни ким деб аташ керак? «Дунёга ўт кетса-кетсин, оловига менинг қозоним қайнасин», дейдиганлар урчиб кетмаяптимикан? Андишасиз, азбаройи беандиша бўлгани учун тили бурро, дасти узун бўлса-да, андишали, азбаройи андишали бўлгани учун қўли қисқа, тили қисиқ бўлса, бунинг отини нима деса бўлади?! «Андишанинг оти – қўрқоқ» деганлари шуми? Бу ҳолда андиша пардаси юпқалашиб, сийқалашиб кетмасмикин...

Билмадим, балки хато қилаётгандирман. Алҳазар!

2 3 4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология Бош бошқармасида

Экологик тараққиёт учун

мавзуида Канаданинг халқаро тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда ўқув семинари бўлиб ўтди. Семинардан кўзланган мақсад минтақамизда иссиқлик газларининг экологияга салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда бу борада халқаро эколог-менежментларни ўқитиш, шу аснода ҳудудимизда соф иқлим шароитини сақлаб қолишдир.

Маълумки, 2002 йилнинг ноябрь ойида республика гидрометеорология бош бошқармаси ва Канаданинг халқаро тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда 2003-2005 йилларга мўлжалланган иссиқлик газлари эмиссиясини қисқартириш бўйича меморандум имзоланган эди. Ушбу дастурни амалга оширишдан мақсад ҳам ишлаб чиқариш секторида энергиядан фойдаланганда иссиқлик газининг ҳавога тарқалишини тартибга солиш бўйича ўқув машғулот ва семинарларни ташкил этишдан иборат эди.

Семинарда бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, бу борада амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида фикр билдирдилар.

Умида ХОЛМИРЗАЕВА

Чўпонлар семинар-кенгаши

Навоий вилояти биргина саноати жиҳатидан эмас, балки қорақўлчилиги билан ҳам республикада катта салоҳиятга эга. Вилоятнинг 4 та чорвачилик тумани ва 36 та ширкат хўжалигида бир миллиондан ортиқ майда моллар боқилаяпти. Қишловни намунали, беталафот ўтказган қўйчивонлар энди баҳорги масъулиятли мавсум – қўзилатишга оммавий киришаяптилар. Шу боис ҳам яқинда Конимех туманининг Абай номли ширкат хўжалиги марказий қўрғони – «Боймурод»да чўпон-чўлиқларнинг тўлолди амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда қорақўлчилик ривожи, зотдор, наслли соғлом қўзиларни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тўлолди кенгашда вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев иштирок этиб мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, отарларга қўшимча ишчи кучи, омухта ем ва зарур техника воситалари ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Музаффар ШАРОПОВ

Наврўз файзи

Обод маҳалла йили муносабати билан барча шаҳар ва қишлоқлардаги каби «Учқулоч» шаҳарчасида ҳам ободончилик ҳамда бунёдкорлик ишларига эътибор кучайди.

«Хонбанди» маҳалласида янги гузар барпо этилмоқда. Дўкон, чойхона, новвойхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари яқин кунларда фаолиятини бошлайди. Гузар атрофига беш минг тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтказилади.

Шаҳарчада замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиши ҳам ниҳоясига етмоқда. Қишлоқ врачлик пункти ва гузарнинг очилиши Наврўз арафасига мўлжалланган.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Боғчаларда ҳам спорт мажмуи

Когон туманидаги 1-болалар боғчасида «Бўстон» ширкат хўжалиги аъзоларининг саксонга яқин фарзанди тарбияланмоқда. Шуниси қувонарлики, бу тарбия масканидан ҳеч нарса аялмайди. Таъминот ҳам, тарбия ҳам, шароит ҳам мақтаса арзигулик. Хусусан, барча қулайликларга эга бўлган спорт майдончаси бугун жамоага янада асқотаяпти. Аммо, бир кемтик жойи бор. Жисмоний тарбия машғулотларини, турли хил ўйинларни мутахассис эмас, балки тарбиячи олиб боради.

– Қанийди, боғчаларда ҳам жисмоний тарбия ўқитувчилари ишласа, – дейди мудира Дилбар Исломова. – Бу Президентимиз фармони, ҳукумат қарорига амалий жавоб бўларди.

Бу фикрни Фотима Ҳакимова мудиралик қилаётган боғча тарбиячилари ҳам таъкидлашганди. Яқинда туман ҳокимлиги молия бўлими бу муаммони ҳал этишга киришди.

– Энди бюджетга қарашли 8 та болалар боғчасида ҳам кичик спорт мажмуаси, ҳам мутахассис кадр бўлади, – дейди туман молия бўлими мудири Ж.Ҳайитов. – Боғчадаёқ жисмоний чиниққан боладан спортимиз юлдузлари етишиб чиқса не ажаб.

Ҳа, хайрли ишнинг кечи йўқ. Бу муаммони тўлалигича ечиш учун кўп харажат талаб қилинмайди. Ахир, баркамол авлод юрт таянчи эмасми?

Даврон БАҲРОНОВ

Фаоллик сари

Яқинда Тошкент шаҳар Сирғали тумани «Чоштепа» маҳалласида **«Кучли давлатдан – кучли жамият сари»** мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Туман маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда партия ташкилотлари туман кенгашлари, маънавият ва маърифат маркази, маҳалла хайрия жамғармаси вакиллари ҳамда фуқаролар иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар демократик жамиятда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ўзўзини бошқариш органларининг ўрни, аҳамияти хусусида гапирдилар. Аҳолини сиёсий фаолликка ва маҳалла ободлигига ўз ҳиссаларини қўшишга ундадилар.

Клара АБДУНАЗАРОВА

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

«ЎзДЭУавто» компанияси

Ўзбекистон халқини баҳор байрами —
Наврўз
билан самимий табриклайди!

Сизларга тинчлик ва бахт, фаровонлик ва тотувлик тилаймиз.

Наврўз айёмига, фақат Сизлар учун, азиз юртдошлар, яхши янгиликлар тайёрлаб қўйдик.

2003 йил 14 мартдан бошлаб «ЎзДЭУавто» автомобиллари 10 фоизгача арзонлашган нархда сотилмоқда.

«ЎЗДЭУАВТО» АВТОМОБИЛЛАРИ — ЎЗИМИЗНИНГ АВТОМОБИЛЛАР!

«LOCHIRA»
очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2003 йил 15 апрель 15.00 да жамият биносида акциядорларнинг 2002 йил молия-хўжалик натижалари бўйича умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув раисининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботи ва унинг муҳокамаси.
2. 2002 йил молия-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Аудитор хулосасини ва жорий йилга аудиторни тасдиқлаш.
4. Дивидендларни тақсимлаш ва уларни тўлаш тартибини белгилаш.
5. 2002 йил бизнес-режанинг бажарилиши ва 2003 йилга бизнес-режани тасдиқлаш.
6. «LOCHIRA» ОАЖ 2002 йил харажатлари, сметасининг бажарилиши ва 2003 йил харажатлари сметасини тасдиқлаш.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар.
8. Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«LOCHIRA»
очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йилги бухгалтерия баланси

Кўрсаткичлар номи:	минг сўм
АКТИВ	
1. Асосий воситалар (қолдиқ қиймат)	50423
2. Номоддий активлар (қолдиқ қиймат)	62
3. Уюшма корхоналаридаги акциялар	1066
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	17028
5. Олиб сотиладиган товарлар	695
6. Келгуси давр сарфлари	99
7. Пул маблағлари	20958
8. Дебиторлар	14523
БАЛАНС	**104854**
ПАССИВ	
1. Устав капитали	7532
2. Қўшилган капитал	182
3. Резерв капитали	33525
4. Тақсимланган фойда	43961
5. Мақсадли тушум	6636
6. Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	5691
7. Кредиторлар	7327
БАЛАНС	**104854**

Қидирув ишлари давом этмоқда

Февраль бошларида портлаган Columbia фазовий кемасининг Америка штатлари бўйича сочилиб кетган синиқларини йиғиштириб олишга шу кунгача 137 миллион 855 минг 547 доллардан ортиқ маблағ сарфланди.

Associated Press агентлиги хабар беришича, бу маблағ синиқларни йиғиштиришга одамларни жалб этиш, транспорт ва бошқа харажатларга йўналтирилган.

Февраль ўрталаридан бошланган қидирув ишларида уч мингдан ортиқ одам қатнашди. Улар ёрдамида Columbianинг 22 минг бир юзга яқин бўлаклари топилди. Бундан ташқари 32 та вертолёт, 9 та самолёт, гидроакустик жиҳозга эга бўлган 7 та кема қидирув ишларига жалб қилинган.

Фавқулодда ҳолат

Сербия Президенти вазифасини бажарувчи Наташа Мичич мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилди. Бу ҳақда унинг ўзи мамлакат телевидениесида чиқиш қилиб, баёнот берди. Reuters агентлиги маълум қилишича, Сербия бош вазири Зоран Жинжич ҳаётига қилинган суиқасддан сўнг ҳукумат мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этишга қарор қилган.

Қурбонлар бор

Ҳиндистон шарқида кучли момақалдироқ юз бериши оқибатида 13 киши ҳалок бўлди, 500 нафари оғир тан жароҳати олди. 7 киши эса автомобилининг устига дарахт қулаши, 5 киши чақмоқ уриши оқибатида оламдан кўз юмди. Кучли бўрон маҳаллий аҳолининг кўплаб уйларини бузиб юборди, айрим дарахтлар илдиз-пилдизи билан қўпорилиб кетди.

Метеорологларнинг айтишича, дейилади Reuters хабарида, деярли 2 соат давом этган бундай кучли бўрон ҳозирги мавсум учун характерли эмас.



Муаммо бугун пайдо бўлгани йўқ...

Ҳозир бутунжаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори Ироқ билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган

Сўнгги олти ҳафта мобайнида Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари Нью-Йоркда 3 маротаба учрашганлар. Улар Хавфсизлик Кенгашининг 1441-резолюциясига Ироқнинг амал қилиш масаласини муҳокама этишди.

Буларнинг бари нимадан далолат беради? АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жон Хёрбст Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ўқитувчилари ҳамда талабалари билан учрашувда таъкидлашича, бундай ҳол бир қатор жуда муҳим масалалар мавжудлигидан далолатдир. Ироқ билан боғлиқ муаммо фавқулодда ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. 12 йилдирки, Ироқ билан боғлиқ муаммо халқаро миқёсда муҳокама қилинмоқда. 1991 йилдан буён Хавфсизлик Кенгаши Ироқни қуролсизланишга даъват этувчи камида 13 резолюцияни қабул қилган. Нима учун бунчалик кўп резолюция қабул қилинган? Чунки, Ироқ қуролсизланиш соҳасида ҳеч қачон тўлиқ ёки етарли даражада халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилмаган, деб таъкидлади Жон Хёрбст. Тўғри, 1990-йилларнинг ўрталарида инспекторлар биологик ва кимёвий қуроллар яширилган махфий омборларнинг анчасини топишган эди. Саддам Ҳусайннинг ушбу қуролларга маълум даражада масъул бўлган куёви мамлакатдан қочиши оқибатида ана шу омборлар ҳақида дунё хабар топган.

11 сентябрдаги воқеалар вазиятнинг нақадар хавфли эканлигини кўрсатди. Дунё оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфига дуч келди. 1990-йилларда жаҳон глобаллашуви билан биргаликда терроризм глобаллашуви ҳам кузатилди. «Ал-Қаида» оммавий қирғин қуролларини қўлга киритиш илинжида юрибди.

Хўш, бундай вазиятда қандай чоралар кўриш лозим деган саволга элчи жаноблари шундай деди:

— АҚШ ушбу вазиятнинг халқаро ҳамжамият Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилиш орқали ечимини топишга қарор қилди. Президент Буш ўтган йилнинг 12 сентябрида Нью-Йоркда БМТга мурожаат қилар экан, Ироқнинг қуролсизланишида қатъий мавқе эгаллаш лозимлигини таъкидлаган эди. Хавфсизлик Кенгашининг 1441 рақамли резолюцияси Саддамга 1991 йили ўз зиммасига олган қуролсизланиш мажбуриятини бажариш учун сўнгги имкон берди.

Маълумки, резолюция Ироқ ўз ҳудудида текширув олиб бориш учун рухсат бериши керак деган талаб қўймаган. Резолюция Ироқнинг ўзи қуролсизланишини талаб қилади. Агар Ироқ ушбу резолюцияга риоя қилишни истаганида унинг бирдан-бир бажарадиган вазифаси маълумот бериш ва материалларни тақдим этишдан иборат бўлар, инспекторлар эса уларни ҳисобга олиб қуролларнинг демонтаж қилинишини кузатар эдилар. Элчи жаноблари билдиришича, тинч йўл билан қуролсизланишга эришишнинг энг мақбул усули Саддам Ҳусайннинг 1441 рақамли резолюция ва ундан аввалги 13 резолюция талабларига риоя қилишдан бошқа чораси йўқ эканлигини англаб етишидир. Ироқ яқин келажакда қуролсизланади. Тинч йўл орқалими ёки бошқа йўл биланми, у барибир қуролсизланади.

Ўзбекистон Президенти яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясидаги ўз чиқишида Ироқ атрофидаги муаммони ечиш бўйича мамлакатимизнинг нуқтаи-назарини аниқ ва равшан ифодалаб берди. Ўзбекистон Ироқ масаласида АҚШ нуқтаи-назарини қўллаб-қувватлайди.

Алишер РЎЗИЕВ

Чақирув давом этмоқда

АҚШ Мудофаа вазирлиги заҳира учун яна қўшимча 12 минг йигит армияга чақирилишини эълон қилди, дейилади Reuters ахборотида. Шундай қилиб, охирги пайтда заҳира учун ҳарбий хизматга чақирилганларнинг умумий сони 188 минг 592 нафарни ташкил этади.

«Ҳасанбой ота нон»
очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани генерал К.Ғафуров кўчаси, 69-уйда 2003 йил 15 апрель соат 10.00 да акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилади.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

1. «Ҳасанбой ота нон» ОАЖ фаолияти ҳақида бошқарув раиси ҳисоботи, 2002 йил баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.
2. «Ҳасанбой ота нон»нинг 2002 йилдаги фаолияти бўйича аудиторлик фирмаси хулосасини тасдиқлаш.
3. «Ҳасанбой ота нон»нинг 2002 йил фаолияти бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
4. 2003 йилга аудитор фирмасини белгилаб, унинг меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш.
5. Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
6. Бошқарув раиси фаолиятига баҳо бериш ва у билан меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш тўғрисида.
7. Бошқарув органи аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари таркибини кўриб чиқиш ва тайинлаш.
8. «Ҳасанбой ота нон» ОАЖнинг 2003 йил бизнес-режасини, харажат ва даромадлар балансини тасдиқлаш.
9. 2002 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича корхона кўрган фойдасини тасдиқлаш ва дивидендлар миқдорини белгилаш.
10. ОАЖ нинг уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

«Ҳасанбой ота нон» ОАЖнинг муҳим факти ҳақида ахборот

Ахборотнинг тартиб рақами — 07.

Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузилиши санаси ҳақида — 2003 йил 14 март.

Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузиладиган сана — 2003 йил 14 март.

Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузилиши ҳақида сана бўйича қарор қабул қилган орган — Кузатув Кенгаши.

Бухоро давлат тиббиёт институти томонидан 2002 йил июль ойида Шукуров Нодир Носирович номига берилган 273406 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзтранссаноат» Республика уюшмаси кенгаши ва бошқаруви раёсати «Транснефттаъминот» республика компанияси бош директори Мақсуд Раҳимович Ҳудойбердиевга падари бузруквори

РАҲИМЖОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЎЗБЕКНИНГ ОВОЗИ ва сўзи

ДУНЁ БЎЙЛАБ ЖАРАНГЛАЙДИ

КИНО ВА ЗАМОН

Бугунги кунда ўз томошабини, чин маънодаги мухлисини излаётган, улар қалбидан жой олишга ҳаракат қилаётган театрлар, студиялар, ижодий жамоалар кўп. Лекин бундай масъулиятли ва шарафли вазифа ҳаммага ҳам насиб қилаётгани йўқ. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида доимий рақобатда ишлаш ҳамда янгиланиб бораётган муҳитга кўникма ҳосил қилиш ҳар қандай тажрибали жамоадан ижодий изланишни талаб этади.

«Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари кўпсонли томошабинлар эътиборини қозониш, маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ишларини экранга олиб чиқиш, замонамиз қаҳрамонлари образларини яратиш йўлида қандай ишларни амалга оширмоқда? «Ўзбектелефильм» студияси Бош директори Мирзааҳмад ОЛИМОВ билан мулоқотимиз айнан шу мавзуда бўлди.

— Кейинги йилларда сиз раҳбарлик қилаётган жамоа бир қатор янги фильмлар билан эл назарига тушди. Айтинг-чи, бугунги кунда киноижодкорлари олдида турган энг масъулиятли вазифа нимадан иборат?

— Юртимиз тарихи, санъати, бетакрор табиатига оид фильмларимиз жаҳоннинг нуфузли телевидениелари орқали намойиш этилаётгани бизни янги-янги асарлар устида ишлашга ундайди. Томошабинларни янада кўпроқ жалб қилиш учун хорижий студиялар билан ҳамкорликни йўлга қўяяпмиз. Энди, олдинда турган энг муҳим вазифаларга тўхталадиган бўлсак, томошабин қалбига йўл топиш, унинг меҳрини қозониш ҳар бир ижодкор учун, ижодий жамоа учун энг эзгу мақсад бўлиши керак.

— Дарҳақиқат, «Ўзбектелефильм» студиясининг «Нодирабегим», «Самарқанд», «Тошкент», «Бойсун» каби ҳужжатли фильмлари Ялтада бўлиб ўтган III халқаро кинофестивалида совриндор бўлган эди. Суҳбатимизни бадиий фильм ва видеосериаллар тўғрисидаги мулоҳазалар билан давом эттирсак.

— Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотувчи, ўзбекона мардлик, жасорат, юрт озодлиги йўлида ҳар қандай қийинчиликдан тап тортмайдиган қаҳрамонлар ҳақида фильмлар яратишни орзу қилардик. Узоқ изланишлардан сўнг тажрибали режиссёрлардан Маҳкам Муҳаммедов ва ёзувчи Хайриддин Султоновлар Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи асосида 15 қисмли видеофильм яратдилар. Режиссёр Аброр Қосимов, Тамилла Қосимовалар сценарийси асосида «Акбарнинг саргузашти» номли 6 қисмдан иборат телевизион фильм суратга олинди. «Ўзбектелефильм» студияси ҳужжатли фильмлар билан бирга видео ва телевизион фильмлар мактаби сифатида ҳам танила бошлади. Рамз Бобожон сценарийси асосида яратилган «Муҳаббат нидоси» номли мустақилликни улуғловчи, унинг қадрига етишга чорловчи фильм, Хайрулла Эргашев сценарийси асосида «Тоғлик куёв», шунингдек, болаларбоп «Баланд тоғлар остида», «Бахт гуллари» каби фильмларимиз томошабинларга манзур бўлди.

— Дарҳақиқат, «Ўзбектелефильм»да суратга олинаётган фильмларнинг аксарияти эл олқишига сазовор бўлаётганини «Алишер Навоий» номли Санъат саройида намойиш қилинган «Қайтмас» ва «Чархпалак» фильмлари намойишида залнинг томошабинга лиқ тўлганидан ҳам билса бўлади. Энди бир масалага ойдинлик киритиб кетсак. Ҳеч кимга сир эмас, чет эл сериаллари жуда катта маблағ ҳисобига яратилади. Бизнинг шароитимизда бу қандай ҳал этилмоқда?

— Тўғри, «Ўзбектелефильм» студиясида яратилаётган фильмларга миллионлаб доллар сарфланмайди. Бизда фильм ижодкорлари, яъни муаллиф, режиссёр, актёр ва техник ходимларни ҳақиқатан касбининг фидойилари деса бўлади. Аввал катта маблағ тўла, сўнг ишга киришамиз дегувчилар йўқ ҳисоби. Беш, ўн миллион сўмга ҳам сериаллар ишлаш мумкин.

Насиб этса, бизнинг студиямиз ҳам бой бўлар. Юзлаб қисмли фильмлар яратилар. Мана, пойтахтимиз кино саройларида тўхтовсиз қўйилган «Қайтмас» фильми чет элнинг қайси фильмидан кам? Ёки илгарироқ намойиш этилган «Боғ» видеофильми-чи? Шунингдек, замонамиз қаҳрамони образини яратиш йўлидаги изланиш бўлган «Хуршида»ни олайлик.

Хуллас, студиямиз жамоаси 2003 йилда ҳам мухлисларни хушнуд қиладиган фильмлар яратиш устида тинимсиз изланмоқда. Мен аминман, яқин келажакда ўзбек фильмларини чет эл томошабинлари ҳам кўришни орзу қилишади. Шу ўринда тил масаласи ҳам муҳимлигини таъкидлаш керак. Яратилаётган фильмларимизни чет тилларга ўгириб, нуфузли кино сарҳадларини забт этишимиз лозим.

Хулоса тариқасида айтадиган бўлсак, фидойи меҳнат ва ҳақиқий Ватан туйғуси ҳар бир ижодкор қалбида жўш урсагина ўзбекнинг овози, сўзи, дунё бўйлаб жаранглайди.

Санжар ТОШПЎЛАТОВ суҳбатлашди

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бахтиёр бўлса замон, ношукур бўлма — ёмон

«Бахтиёр бўлса замон, Ношукурлик кўп ёмон», деб ҳам қўллайдилар. Замон қанчалик тинч, осойишта, тўқ ва фаровон бўлмасин, барибир нолиб юрувчи одамлар топилади. Мазкур мақолни шундай ношукур шахсларга қарата айтганлар. «Ношукурда шукур бўлмас, Нонкўрда — узр», деган мақол ҳам бор.

Бегона тупроқ — девона тупроқ

Вар.: «Тупроқ бўлса бегона, Замин бўлур девона». Одатда деҳқонлар гўнг топилмаса (топилган чоғида ҳам), бошқа (бегона) ернинг тупроғини, шунингдек эски деворларнинг тупроғини экин тагига соладилар, ер чопганда тупроқни бир томондан иккинчи томонга ирғитадилар. Чунки, «бегона» тупроқ ерни минерал ўғит ва гўнг сингари кучайтириб, худди девонадай «қутуртириб» ҳосилдор қилади.

Бахт тилакда эмас, билакда

Вар.: «Кишининг бахти — бел, билаги»; «Бахт йўлда эмас — қўлда», «Бахт қайда? Ўз қўлингда!», «Бахтни меҳнатдан изла»; «Бахт қушини ушламоқ учун Бахт овига чиқмоқ керак»; «Бахтли одамни излама, Бахт йўлини изла». Мажозий маъноси: «Қуруқ тилак, орзу-истак, умид билан бахтга эришолмайсан, билагингни ишга сол, меҳнат қил», дейилмоқчи.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-47-80, 133-38-55 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDYLLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 247
16178 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.15
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Муҳтарам Юртдошлар!

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини «НАВРЎЗ» айёми билан самимий муборакбод этиб, аҳолига жойлаштириш муддати 15 кун бўлган янги, қисқа муддатли «НАВРЎЗ» омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 2003 йилнинг 16 мартидан — 1 апрелига қадар камида 5000 сўм миқдорида қабул қилиниб, сақланган кунлар учун йиллик 40 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатга пул маблағлари Халқ банкининг барча филиал ва шахобчалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИ — Сизнинг оилангиз банки!

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 112-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серисининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур	47	9	59	60025741.1	60055734.3	**13 Тур**	Сони: 77	**24 Тур**
21	84	46	35	90062361.3	90023361.3	44	Сумма: 400	53
6	3	28	8	**5 Тур**	**8 Тур**	Сони: 10	**19 Тур**	Сони: 1261
76	29	77	71	88	51	Сумма: 900	7	Сумма: 200
45	41	19	32	Сони: 2	Сони: 3	**14 Тур**	Сони: 89	**25 Тур**
54	82	17	73	Телевизор	Сумма: 3000	43	Сумма: 300	49
69	34	23	27	Чипталар рақами	**9 Тур**	Сони: 22	**20 Тур**	Сони: 1907
30	24	58	70	30012036.2	38	Сумма: 800	15	Сумма: 200
Сони: 1	66	12	56	90038381.1	Сони: 4	**15 Тур**	Сони: 187	**26 Тур**
Видеомагнитофон	Сони: 1	Сони: 3	65	**6 Тур**	Сумма: 2000	63	Сумма: 200	89
Чипта рақами	Телевизор	Сумма:	86	68	**10 Тур**	Сони: 18	**21 Тур**	Сони: 2746
20073215.2	Чипта рақами	1333333	5	Сони: 2	33	Сумма: 700	85	Сумма: 200
2 Тур	90068438.1	Чипталар	2	Мусиқа маркази	Сони: 5	**16 Тур**	Сони: 301	**Қўшимча тур**
37	**3 Тур**	рақами	20	Чипталар рақами	Сумма: 1500	62	Сумма: 200	
80	55	10003024.1	78	10065646.1	**11 Тур**	Сони: 30	**22 Тур**	Сони: 107
22	4	50079956.2	87	40022121.3	16	Сумма: 600	11	Сумма: 600
18	75	80001570.3	81	**7 Тур**	Сони: 6	**17 Тур**	Сони: 508	**Халтадан чиқмаган шарлар:**
79	1	**4 Тур**	Сони: 2	72	Сумма: 1200	25	Сумма: 200	
40	14	39	Сумма:	Сони: 3	**12 Тур**	Сони: 45	**23 Тур**	10, 26,
60	61	67	2500000	Видеомагнитофон	83	Сумма: 500	90	31, 48,
57	42	52	Чипталар	Чипталар рақами	Сони: 9	**18 Тур**	Сони: 731	50, 64
	36	13	рақами	40029314.3	Сумма: 1000	74	Сумма: 200	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 20-мартдаги 113- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 тур - NEXIA автомобили
2 тур - NEXIA автомобили
3 тур - NEXIA автомобили
4 тур - NEXIA автомобили
5 тур - NEXIA автомобили



Ва қушимча пул мукофотлари

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта қўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй.
Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.
Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

ФУТБОЛ

«Пахтакор» — ярим финалда

Осиё чемпионлари лигасининг «Д» гуруҳи баҳсларининг сўнгги турида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Ироқ чемпиони «Ал-Талаба» футболчиларига қарши майдонга чиқди. Дастлабки икки учрашувда ғалаба қозонган пахтакорчилар бу сафар ҳам ўз мухлисларини хурсанд қилишди.

Ҳужумкор руҳда ўтган ушбу ўйинда вакилларимиз ироқликлар дарвозасига жавобсиз уч тўп йўллашди. Тўпларни туркманистонлик легионерлар Александр Крохмаль (иккита) ва Гочқули Гочқулиевлар киритди. Бу ғалаба пахтакорчиларга Осиё чемпионлари лигасининг ярим финал баҳсларига йўлланма берди. Энди ҳамюртларимиз уй-сафар тизимида шу йил апрель ойида ўтадиган ҳал қилувчи ўйинларда майдонга чиқишади. Қуръага кўра, мусобақанинг «А» гуруҳи ғолиби «Пахтакор»нинг навбатдаги рақиби бўлади. Бу гуруҳда учрашувлар кеча кечқурун якунланган.

«Д» гуруҳидаги охирги турнинг иккинчи ўйинида «Ниса» (Туркманистон) жамоаси Эроннинг «Пирузи» футболчиларига йирик ҳисобда ютқазиб қўйди — 1:4.

Қувонарлиси, пахтакорчилар нуфузли турнирнинг ярим финалига йўлланмани қўлга киритиш билан бирга ОФКнинг 30000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофотига ҳам сазовор бўлди. Мусобақа низомига кўра, бош совринни эгаллаган жамоага ярим миллион, иккинчи ўрин соҳибига 300 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот берилади.

Гуруҳнинг якуний жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	**3**	**3**	**0**	**0**	**7-0**	**9**
«Пирузи»	3	2	0	1	5-2	6
«Ал-Талаба»	3	1	0	2	3-4	3
«Ниса»	3	0	0	3	1-10	0

Эркин ХОЛБОБО

ИНТЕР-СПОРТ

Ҳаммаси Тайсонга боғлиқ

Хабарларга қараганда, англиялик оғир вазнли боксчи Леннокс Льюис профессионал спортдаги ҳаёти билан хайрлашмоқчи экан. Бу тўғрида Бутун жаҳон бокс кенгаши ва Халқаро бокс федерацияси мухбирларга ахборот берган. 37 ёшли жаҳон чемпиони билан шу унвонга даъвогар бўлиб турган Майк Тайсон ўртасида ўтказиладиган матч-реванш-нинг бўлиш-бўлмаслиги даргумон. «Мен ҳозирги мавқеимда — жаҳоннинг кучли боксчиси сифатида профессионал ринг билан хайрлашиш ниятидаман», — деди Льюис Инглиз боксчисининг фикрига қараганда «Темир Майк»нинг жаҳон чемпиони унвонига даъвогарлик қилиш-қилмаслиги кўпроқ унинг ўзига боғлиқ экан. «Мен Майкни жанг қилишга чорламоқчи эмасман, — дейди Льюис. — Қолаверса, у ҳали мен билан матч-реванш ўтказишга тайёр эмас. Бунинг учун Тайсон камида яна иккита жанг ўтказиши лозим бўлади».

Айни пайтда Бутунжаҳон бокс кенгаши украиналик Виталий Кличкога жаҳон чемпиони номини олиш учун халқаро рейтинг бўйича учинчи ўринни эгаллаб турган Эвандер Холифилд билан учрашувни таклиф қилмоқда. Мутахассислар эса Виталий нима учун рейтинг бўйича иккинчи бўлиб турган Хасим Раҳмон билан учрашмай, Эвандерга рўбарў бўлиши керак, деган мулоҳазада. Балки жаҳон чемпиони Леннокс Льюис муҳофаза қилинаётган бўлса керак, деган фикрлар ҳам бор.